

## Долзарб ва муҳим семинар

Жорий йилнинг 15-июнь куни ТИҚХММИ ҳузуридаги Бешкент қишлоқ хўжалиги техникумининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” таълим йўналиши 1-босқич талабаларига ТИҚХММИ Қарши филиали «Умумтехник фанлар» кафедраси т.ф.д., профессор О.Ж.Пиримов томонидан бўлажак мутахассисларни “Электротехника ва электроника асослари” фанидан назарий ва амалий билимини янада мустаҳкамлаб, ишлаб чиқаришдаги электротехник жиҳозларидан оқилона фойдаланиш, улардаги автоматлаштирилган қурилмаларни малакали ишлата олиш бўйича семинар ўтказилди.



Ушбу семинар давомида электр занжирларни, улардаги жараёнларни, занжирларни ҳисоблаш усулларини, занжирларни йиғиб ишлатиш, асосий ва ёрдамчи электротехник қурилмаларнинг тузилиши ва ишлашини пухта ўрганиш бўйича маълумотлар берилди

**Умумтехник кафедраси ўқитувчиси Дилшод Очилов ахбороти  
ТИҚХММИ матбуот хизмати**